



### 3. ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб–китоблар учун асос ҳисобланади. Ҳисоб–китоблар тўлов топшириқнома асосида амалга оширилади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулотлари партияси учун ҳақини олдиндан қамда 5 кун олдин 100% миқдорида «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб-рақамига ҳақ тўлайди.

3.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га биржа савдолари натижаларига кўра шаклланиган ўртача биржа нархларидан келиб чиқиб, «Етказиб берувчи»нинг сотиб олиш ва транспортировка харажатлари ҳамда устамасини қўшиб шаклланидиган нархларда сотади.

3.4. Шартнома суммаси нефть маҳсулотларини «Етказиб берувчи» таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефть маҳсулотини ташин билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефть маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий қиймати ўзгаради ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган нефт маҳсулотларига нисбатан янги нархлар қўлланилади ва бу ҳақида шартноматга ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

### 4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Нефть маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш қуйидагича амалга оширилади:

а) «Етказиб берувчи» нефт базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть маҳсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда рағбийлаштириш орқали;

б) «Истеъмолчи» транзит орқали маҳсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йўриқномаларига (II-6, II-7) асосан иш юритади.

4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, маҳсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

4.3. Нефть маҳсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи» «Ишлаб чиқариш техника ва ҳалқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

### 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини олаётган вақтда жойида маҳсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот орнин ва қузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.3. Нефть маҳсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини етказиб бериши қарор қилади. Ҳар икки томон нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.

Нефть маҳсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

6.3. «Истеъмолчи» нефть маҳсулотларини саклашнинг техникавий шарт- шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди ва Етказиб берувчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ўтдириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирор бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Ўҳжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

### 7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар;

- агарда табиий офат, сув тошқини, ёнгин, zilzila ва бошқалар оқибатида юз берса,

- нефтни қайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгилловчи ташкилотлар қарорига асосан нефть маҳсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолатларда.

### 8. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1.

### 9. ИМЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мутақид ҳал эта олмайдиган масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.

9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилади ва тенг ҳуқуқий кучга эга.



9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабргача амал қилади.

### 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

#### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Номи: "Андижон нефт базаси" МЧЖ  
Манзил: Андижон шаҳри Ахтачи sanoat  
худуди А.Ашуров кўчаси №10-уй  
Ташкилот у-н х/р: 22604000700285788702  
АЁҚШлар у-н х/р: 22604000500285788701  
ИНН: 200240109, МФО: 00432  
Банк: "Узсаноатқурилишбанк" АТБ Яшнабод  
фили. Телефон: (749) 294-11-22  
Директор в.в.б.  К.Юсупов

#### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

Номи:   
Манзили:   
Ю. Отабеков кўчаси 5-уй  
х-р: 100021860039017072301050002  
Банк номи: Уз Респ МБ ББХКК.В Тошкент  
МФО: 00001, ИНН: 201589349

Рахбар:    
 Н. Раҳматов

Ҳуқуқий ҳуҷус: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Ўҳжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунни талабларига зид эмас.

Юристкаеулыт:  А.Ақбаров